

## Дуонинг одоблари (давоми)



21:10 / 28.04.2019 2326

*Саъднинг ўғилларидан бири розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

**«Менинг «Аллоҳим, Сендан жаннатни, унинг неъматларини, унинг шодонлигини ва унисини ва бунисини сўрайман. Сендан дўзахдан, унинг занжирларидан, кишанларидан, унисидан, бунисидан паноҳ сўрайман» деяётганимни эшитиб қолиб, отам:**

**«Эй ўғлим, мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Тезда дуода ҳаддан ошадиган қавм бўладир» деганларини эшитганман. Ўшалардан бўлиб қолишдан сақлан. Агар сенга жаннат берилса, албатта, сенга у ҳам, унинг ичидаги яхши нарсалар ҳам берилган бўлади. Агар сен дўзахдан сақланган бўлсанг, ундан ҳам, унинг ичидаги ёмон нарсалардан ҳам сақланган бўласан», деди».**

*Шарҳ:* Дуонинг одобларидан бири унда муболағага кетиб, ҳаддан ошмасликдир.

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уч марта дуо қилиш ва уч марта истиғфор айтиш ёқар эди».**

*Иккисини Абу Довуд ривоят қилганлар.*

*Шарҳ:* Дуонинг одобларидан бири уни уч марта такрорлашдир.

*(давоми бор)*

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**